O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SAMARQAND VILOYATI
NUROBOD TUMANI
**HOKIMI**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
НУРОБОД ТУМАНИ
**ҲОКИМИ**

23

# QAROR

2007 йил "2" ноябр № 813 г

**«Саройкургон» урмон хужалиги худудидан уй-жой куриш учун ер майдони ажратиш хакида.**

Узбекистон Республикаси «Ер кодекси» нинг 27-моддасига асосан ва фукаро Хужамиярова Сониянинг уй-жой куриш учун ер участкаси ажратиш тугрисидаги аризаси ва «Саройкургон» урмон хужалиги ишчи ва хизматчиларининг 2006 йил август кунидаги №3-сонли карори хамда туман ер танлаш комиссиясининг 2007 йил 23 октябр кунидаги далолатномасини инобатга олиб

**К А Р О Р  К И Л А М А Н:**

1. «Саройкургон» урмон хужалигида яшовчи фукаролар Эшхонов Азамат ва Тожиев Хабибуллоларга якка тартибда уй-жой куриш учун ер майдони ажратиш тугрисидаги туман ер танлаш комиссиясининг 2007 йил 16 октябрдаги далолатномаси тасдиклансин.
2. «Саройкургон» урмон хужалиги худудидаги кишлок хужалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан фукаролар Эшхонов Азамат ва Тожиев Хабибуллоларнинг хар бирига 0,06 гектардан, жами 0,12 гектар ер майдони якка тартибда уй-жой куриш учун ажратиб берилсин.
3. Ушбу ажратилган ер майдонини тегишли хужжатларини расмийлаштириш ва ер майдонини жойида улчаб бериш туман Ер ресурслари ва давлат кадастри булими бошлиги Н.Куйлиевга топширилсин.
4. Ажратилган ер майдонида 2 (икки) йил муддат ичида уй-жой курилиши ишлари бошланмаса, карор уз кучини йукотган деб хисоблансин.
5. Мазкур карорнинг бажарилишини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари З.Ниёзовга юклатилсин.
6. Ушбу карорнинг тасдиги вилоят хокимлигидан суралсин.

**Туман хокими:** [signature] **Ж.Х.Ибрагимов.**